Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил
17 декабрь
ШАНБА

№ 100
(12.424)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

ҚАРОР ВА ИЖРО

ЭНЕРГЕТИКА МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Пойтахтимизда "Энергетиканинг ҳозирги ҳолати ва уни ривожлантириш истиқболлари" мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент давлат техника университети, "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси ҳамда "Ўзбекистон металлургия комбинати" очиқ акциядорлик жамияти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Улкан энергия-ресурс салоҳиятига эга бўлган Ўзбекистон дунё геосиёсий ва геостратегик жараёнларида, жумладан, энергетика соҳасида ҳам фаол иштирокчилардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда ишлаб чиқаришни кенг кўламли модернизациялаш, уни энг замонавий юқори технологияли ускуналар билан жиҳозлаш, амалиётга янги илмий ютуқлар ва илғор инновация технологияларини тезкор жорий қилиш ишлари амалга оширилмоқда.

Мазкур анжуман нафақат мамлакатимиз илм-фани ютуқларини намойиш этади, балки иштирокчиларни олимлар ва мутахассисларнинг кейинчалик ишлаб чиқаришга татбиқ этилиши мумкин бўлган энг сўнгги лойиҳалари билан таништириш имконини яратади. Унда мамлакатимиз олимлари, тадқиқотчилари, саноат корхоналари мутахассислари ҳамда Германия, Россия ва Қозоғистондан экспертлар иштирок этди.

Мамлакатимизда энергетика секторини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2010 йил 15 декабрда қабул қилинган "2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори ҳам бунга яққол мисол бўла олади. Бу борадаги вазифаларни ҳал қилишга Тошкент давлат техника университети муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Мазкур ўқув даргоҳида кадрлар тайёрлаш билан бирга илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда, тайёр лойиҳалар эса мамлакатимиздаги етакчи корхоналарда ишлаб чиқаришга жорий қилинмоқда.

Халқаро анжуман давомида иссиқлик энергетикаси, электр-энергетика, энергия ва ресурсларни тежайдиган технологиялар, ноанъанавий энергия манбалари муаммоларига оид илмий маърузалар тингланди.

ЎзА.

СИФАТЛИ НАВ – ЮҚОРИ ҲОСИЛ

Пойтахтимизда сабзавотчилик, полизчилик ва картошкачиликни янада ривожлантиришга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Унда Ўзбекистон Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти, Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти мутахассислари ва олимлари иштирок этди.

Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти директори Р. Ҳакимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида соҳада амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар самарасида маҳсулот етиштириш ҳажми тобора ошиб бораётганини алоҳида таъкидлади. Ҳар гектарда ўртача ҳосилдорлик сабзавотдан 30,9 тонна, полиздан 24,2 ва картошкадан 24,1 тоннага етаётгани, жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 500 минг тонна маҳсулот экспорт қилингани бунинг ёрқин далилидир.

Ҳозир аҳолининг ушбу маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи мамлакатимизда етиштирилган ҳосил ҳисобидан тўла қопланмоқда. Бунда Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йил 11 январда қабул қилинган "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Мамлакатимизда мазкур тармоқни янада ривожлантириш, ҳосилдор янги навларни яратиш, деҳқонларни сифатли уруғлик билан таъминлашга оид изланишлар ўз самараларини бераётир. Селекционер олимларимиз томонидан юқори сифатли, ҳосилдор, касалликларга чидамли сабзавот экинларининг 58, картошканинг 11, полизнинг 20 нави яратилиб, давлат реестрига киритилди.

Анжуманда шўр ва қурғоқчиликка чидамли нав ва дурагайлар яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Экинларни кўчатсиз етиштириш технологияси, минерал ўғитлар қўллаш миқдорини камайтириш технологияси, сабзавот, полиз ва картошка экинлари уруғчилигини ривожлантириш ва истиқболли агротехника қоидаларини ишлаб чиқишга оид маърузалар тингланди.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

МУСТАҲКАМ ОИЛА – ҲАЁТ АБАДИЙЛИГИ, ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ АСОСИ

Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан кириб келаётган 2012 йилга мамлакатимизда "Мустаҳкам оила йили" деб ном берилди

Инсон ҳамиша эзгу ниятлар, орзу-умидлар билан яшайди. Бахтли ҳаётга эришиш – одамзотнинг энг олий мақсади. Халқимиз ана шу бахтни ота-онада, умр йўлдошида, фарзандида, бир сўз билан айтганда, оиласининг мустаҳкамлиги, тинчлиги, аҳил-иноқлигида кўради.

Шинам уй-жой, тинчлик ва хотиржамлик, ишдаги барака, рўзғордаги тўкинлик, оқил ва соғлом фарзанд камолоти... Буларнинг барчасини ягона мақсад бирлаштиради: Оилавий Бахт. Президентимиз Ислом Каримов 2012 йилни юртимизда "Мустаҳкам оила йили", деб эълон қилганини эшитганимда хаёлимдан ана шундай ўйлар ўтди. Биз танлаган йўл – тараққиётнинг "ўзбек модели", инсон манфаатларини кўзлаган ислоҳотлар, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашга қаратилаётган эътибор, шаҳару қишлоқларни обод этиш замирида ана шу мақсад – оилавий бахт, мустаҳкам оиланинг барқарор бўлишидек эзгу мақсад мужассам.

ҚИЗИМНИНГ ҚУВОНЧИ

...Ишдан келишим билан эшикни беш ёшли қизим очди. Байрамона кийинган, хурсанд. Сабабини сўрашга улгурмасимдан ўзи айтишга тушди.

– Дада, табриклайман. Янги йил оила йили бўлар экан, Президент бобомиз айтдилар.

– Шунақа дегин, – қизимнинг ҳаяжонига қўшилдим.

– Бу бизнинг йилимиз-да. Сиз, ойим, укам ва мен – ҳаммамиз бир оиламиз. Янги йилда оиламизда байрамлар кўп бўлади...

Қизимнинг болаларча айтган гапларини эшитиб, беғубор қувончи, шоду хуррамлигини кўриб, Президентимиз 2012 йилни "Мустаҳкам оила йили", деб эълон қилишида нақадар катта мақсадлар, эзгу ниятлар мужассам эканини янада чуқурроқ англадим. Юртбошимизнинг Конституция байрами тантанасида айтган гапларини эсладим: "Бу ёруғ оламда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, ҳаёт абадийлиги, бебаҳо неъмат бўлмиш фарзанд бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша келажагини ўйлаб, эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди".

Инсон онги, характеридаги энг яхши фазилатлар, дунёқарашини белгилайдиган маънавий мезонлар аввало оила бағрида куртак ёзади. Ҳар бир боланинг эртага қандай инсон бўлиб вояга етиши, иқтидорининг шакланиши, нималарга қизиқиши унинг қандай оилада тарбия топганига ҳам боғлиқ.

Ҳали тили чиқмаган болага салом беришни, оила дастурхони атрофида ўзини тутишни, таомга катталардан олдин қўл узатмасликни, ахлоқ, одоб қоидаларини, нима яхшию нима ёмонлигини ўргатиш анъанаси неча минг йиллардан буён авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда.

Ота-боболаримиз оилавий тарбияга ғоят долзарб ва нозик масала сифатида алоҳида эътибор қаратган. Келин қилиш, қиз узатишда бўлғуси келин ёки куёвнинг аввало қандай оилада тарбия топгани суриштирилади. Шу боис фарзандимизнинг бахту саодати, ёруғ келажаги учун ҳаракатни у дунёга келган кундан бошлаймиз. Зотан, одобли, билимдон ва ақлли, меҳнатсевар, имон-эътиқодли фарзанд нафақат ота-онанинг, балки бутун оила, бутун жамиятнинг кўзгуси, энг катта бойлигидир.

Мустақиллик туфайли халқимизнинг бу анъаналари яна ҳаётга қайтди. Жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оила институтини мустаҳкамлаш, юртимиздаги маънавий ўзгаришлар асосида ривожлантириш, нуфузини ошириш учун барча ташкилий-ҳуқуқий асослар яратилди. Хусусан, Конституциямизда алоҳида бобда оиланинг ижтимоий мақоми аниқ белгиланди. Оила, Фуқаролик, Уй-жой кодекслари, бошқа қонун ҳужжатларида оилавий муносабатларнинг азалий қадриятлари ўз ифодасини топди.

Мустаҳкам оиланинг мустаҳкам асослари Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов 1991 йил 20 августда республикамиз аҳолисига мурожаатида шундай таъкидлаган: "Бизга тинчлик ва осойишталик керак. Биз ҳар бир оиланинг тинч-тотув яшаши тарафдоримиз ва шунга интилаётган, шуни таъминлаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаймиз".

Собиқ иттифоқнинг турли сиёсий ўйинлари авжга чиққан, мамлакатда мураккаб ижтимоий-иқтисодий вазият юзага келган бир пайтда оилаларнинг тинчлиги ҳақида ўйлаш, бунинг учун амалий қадамлар қўйиш чинакам жасорат эди. Президентимиз томонидан қўйилган бу улуғ мақсад истиқлолнинг илк кунлариданоқ давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Одамларнинг эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаш, уларнинг оилавий шароитини, иқтисодий, моддий аҳволини яхшилашга изчиллик билан киришилди.

Ўтган йиллар давомида Президентимизнинг одамлар даромадини кўпайтириш, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, тадбиркорлик, касаначилик, ҳунармандлик ва оилавий бизнесни ривожлантиришга қаратилган фармон ва қарорлари қабул қилинди, мақсадли давлат дастурлари ҳаётга татбиқ этилди. Одамлар ҳалол йўл билан даромад олиши, оиласининг тўкинлиги, фаровонлигини таъминлаши учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Баркамол авлод – халқимизнинг мустақиллик туфайли рўёбга чиқаётган энг катта орзуси. Истиқлол фарзандлари бугун илм-фан, спорт, санъат, маънавият ва маърифат, тадбиркорлик каби барча соҳаларда улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқда.

(Давоми 2-бетда).

ШИФОБАХШ МАҲСУЛОТ ЯНАДА КЎПАЯДИ

Мамлакатимизда тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратилиб, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани халқимиз дастурхони тўкинлигини таъминлашда муҳим омил бўлаётир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан ҳам бу борада муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, фонд томонидан тадбиркорларнинг истиқболли лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун грантлар ажратмоқда. Жорий йилда Тошкент асаларичилар уюшмаси асаларичиликни ривожлантиришга оид лойиҳаси учун қарийб 15 миллион сўм миқдоридаги ана шундай грантга эга бўлди.

Тошкент асаларичилар уюшмасига аъзо 250 нафар асаларичининг ҳар бири ўртача 50-150 асалари оиласини парваришламоқда. 2011 йилнинг ўтган даврида пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида қарийб беш юз тонна асал ва асал маҳсулотлари тайёрланди. Бу маҳсулотларни аҳолига арзон ва сифатли тарзда етказиб бериш мақсадида пойтахт бозорларида мунтазам равишда "Асал байрами" савдо-ярмаркалари ташкил этилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2009 йил 26 январда қабул қилинган "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори бу борада дастуриламал бўлаётир.

Айни вақтда уюшма аъзолари сафини кенгайтириш, маҳсулот етиштириш ҳажмини янада кўпайтириш ва янги иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Қибрай қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи билан ўрнатилган ҳамкорлик ёшларни мазкур соҳага бўлган қизиқишини оширишда муҳим аҳамият касб этаётир.

Қарийб 900 нафар ўқувчи таҳсил олаётган ушбу коллежда асаларичилик бўйича қўшимча машғулотлар ўтказиш йўлга қўйилди. Мутахассислар, тажрибали асаларичилар билан ўқувчилар учрашувлари тез-тез ташкил этилмоқда.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири.

2012 йил учун

ОБУНА давом этмоқда. «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» газетаси индекси – 205.

МУНОСИБЛАР ҒОЛИБ БЎЛДИ

Миллий матбуот марказида "Қоплон – 2012" республика танловининг ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Давлатбионазорати ва "Чинор ЭНК" экологик нашриёти, Европа хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг юртимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилаётган танлов давлат ташкилотлари ҳамкорлигини ривожлантириш ва ОАВда атроф-муҳит муҳофазасига доир масалаларни кенг ёритишга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади.

Жорий йилдаги танлов доирасида 5 та медиатур, экологик мавзуларга бағишланган матбуот анжумани, соҳа мутахассислари билан учрашувлар ташкил этилди. Унда телевидение, радио, матбуот ва интернет журналистикаси йўналишларида фаолият юритаётган журналистларнинг экологик мавзулардаги энг сара ишлари намойиш этилди.

Тадбирда "Табиатни асраш садоси", "Долзарб репортаж", "Экоэфир", "Қизиқарли сюжет", "Ижод ва маҳорат", "Тўғрилик ва муросасизлик", "Ижодий ёндашув", "Экологик мавзусида доимийлик ва собитлик", "Мураккабликни оддий ифодалаш", "Экологик таҳририят", "Экожурналистика ривожига қўшган ҳиссаси учун" каби йўналишлар бўйича ғолиблар тақдирланди.

Азима ҚИЁСОВА,
"Туркистон-пресс".

МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

СТАТИСТИКА ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШАДИ

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида давлат Статистика қўмитаси "Статистика тизимида аниқлик ва ойдинликни таъминлаш, интерфаол технологияларни жорий этиш, ОАВлари билан алоқаларни такомиллаштириш вазифалари" мавзусида матбуот анжумани уюштирилди.

Иштирокчиларга тизимда статистика фаолиятини ташкил этиш учун давлат интерфаол хизматларини такомиллаштириш, статистик маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш бўйича давлат Статистика қўмитаси сўнгги йилларда амалга ошираётган тадбирлар тўғрисида маълумот берилди. Тизим фаолиятини халқаро андозаларга мос равишда янада такомиллаштириш мақсадида 2010 йилда 20 та, 2011 йилда 9 та услубий меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилиб, амалга киритилди. Давлат статистика органлари 2011 йилда тадбиркорлик субъектларига уларнинг ҳуқуқлари, соҳага оид қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари ОАВлари орқали тушунтирилди.

Шунингдек, тизимда тезкорлик, аниқлик ва ойдинликни таъминлаш ҳамда фойдаланувчилар учун янада қулайликлар яратиш мақсадида давлат Статистика қўмитасининг расмий www.stat.uz ва веб-сайти орқали интерфаол хизматлар турини кўпайтириш ҳамда такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди. 2011 йилдан бошлаб "Электрон рақамли имзодан фойдаланган ҳолда статистик ҳисоботларни электрон кўринишда йиғиш тизими" ҳамда "Интернет тармоғи орқали фирма номларини захирага қўйишнинг электрон тизими" ахборот ресурслари асосидаги интерфаол хизматлар орқали тадбиркорлик субъектлари учун қулай имкониятлар яратилди.

Анжуман сўнгида давлат статистика тизимида ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш бўйича келгусида амалга оширилиши мўлжалланган тадбирлар тўғрисида ҳам матбуот анжумани иштирокчиларига батафсил маълумот берилди.

Равшан ОМОНОВ.

Қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш соҳасидаги саъй-ҳаракатлар эркин бозор муносабатларига кенг йўл очди. Жумладан, 2003 йили шолига давлат буюртмаси бекор қилинди. Натижада шоли етиштириш, аҳолини сифатли гуруч билан таъминлашда эркин бозор муносабатлари вужудга келиб, соф рақобат муҳити пайдо бўлди.

АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19 йиллигига бағишлаб Ўрта Чирчиқ туманидаги Шоличилик илмий-тадқиқот институтида ўтказилган илмий-амалий конференция "Шоли ва дуккакли дон экинларини етиштиришдаги долзарб масалалар ва уни ривожлантириш истиқболлари" мавзуига бағишланди.

Илмий анжуман Қишлоқ хўжалик вазирлиги, "Адолат" социал-демократик партияси, Қишлоқ хўжалик илмий-ишлаб чиқариш маркази ва Шоличилик илмий-тадқиқот институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

Анжуман Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари Исмоил Саифназаровнинг "Конституциямиз – Бош Қомусимиз" мавзуидаги маърузаси билан бошланди. Шундан кейин олимлар шоличиликнинг бугунги даражаси ва уни янада ривожлантиришнинг долзарб масалаларига бағишланган маърузалар билан чиқишди. Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш мамлакатда шоли етиштиришни кенгайтириш, унинг кам сув талаб қилувчи серҳосил навларини яратиш, ҳосилдорликни кўтариш, ўта шўрланган ерларни қайта ўзлаштириш ҳисобига ялпи ҳосилни кўпайтиришни тақозо этаётганлиги алоҳида таъкидланди. Шоли ва дуккакли дон экинлари касалликлари, зараркунандалари ва бегона ўтларга қарши кураш тадбирларини мукаммал ишлаб чиқиш ва жорий этишга оид муаммолар теварагида фикр юритилди.

Илмий-амалий конференция шоличиликни ривожлантириш, дуккакли дон экинлари ҳосилдорлигини ошириш ва ялпи ҳосилни кўпайтиришга хизмат қилувчи амалий таклифлар ишлаб чиқишди.

Жўрабек МУРОДОВ.

2012 ЙИЛ – МУСТАҲКАМ ОИЛА ЙИЛИ

МУСТАҲКАМ ОИЛА – ҲАЁТ АБАДИЙЛИГИ, ЖАМИЯТ БАРҚАРОРЛИГИНИНГ АСОСИ

Оила соғлом экан – жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан – мамлакат барқарор. Соғлом оилада соғлом фарзандлар вояга етади. Ана шу мақсадларни ўзида мужассам этган "Соғлом она – соғлом бола" концепциясининг мамлакатимизда изчиллик билан амалга оширилиши самарасида бугун Ўзбекистон болалар саломатлигига энг ғамхўр бўлган етакчи мамлакатлар сафидан жой олди. Оилаларда соғлом муҳитни яратиш, оналар саломатлигини сақлашнинг юксак натижалари яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган "Ўзбекистонда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилишнинг миллий модели: "Соғлом она – соғлом бола" мавзуидаги халқаро симпозиумда ҳам алоҳида эътироф этилди.

Буларнинг барчаси оилалардаги тўкинлик, тотувлик, оилавий хотиржамликнинг муҳим омилидир. Булар – мустаҳкам оиланинг мустаҳкам пойдеворидир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

ОИЛА ҚЎРҒОНИНИНГ ЧИРОЙИ АЁЛ

Аёлга юксак ҳурмат-эҳтиром кўрсатишда ўзбек йигитларига тенг келадигани топилмаса керак. Ватанимизнинг неча минг йиллик тарихидан сўзловчи осори-атиқалар, достону афсоналар, муқаддас китобларда отаболаримиз хотин-қизларга оила фаришталари сифатида алоҳида эътибор қаратганлари маълум.

Мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеини мустаҳкамлаш, уларнинг нафақат оилада, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида фаол иштирокини таъминлашга қаратилган эзгу саъй-ҳаракатлар халқимизнинг ана шу беқиёс фазилатларига уйғун ва ҳамоҳангдир. Зотан, оилани мустаҳкамлаш, оилага кўмак бериш, аввало, аёлни улуғлаш, хонадонимиз фариштаси бўлган хотин-қизларга эътибор кўрсатишдир.

Давлатимиз раҳбарининг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони асосида мамлакатимизда аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида фаол иштирокини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш ишлари янги босқичга кўтарилди. Хотин-қизларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантиришга қаратилган комплекс чора-тадбирлар изчил амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Мустаҳкам оила йилининг мазмун-моҳияти, оилани янада мустаҳкамлаш, оила олдида турган вазифаларни ҳар томонлама амалга ошириш ҳақида тўхталиб, уларни ҳал этиш ҳар қайси оиланинг юкини ҳеч нолимасдан, ҳаётга шукроналар айтиб, ўз елкасида кўтариб келаётган, оила қўрғонининг ҳам чиройи, ҳам чароғбони бўлган аёл зотининг, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш билан баробар эканини алоҳида таъкидлади.

Ҳа, мустаҳкам оилани барпо этиш, фарзандларимизни ақл-заковатли, юксак маънавиятли, оила, жамият олдида ўз бурчи ва масъулиятини чуқур англаб етишга қодир инсонлар этиб тарбиялашда аёлларнинг ўрни ғоят катта. Шу маънода, Мустаҳкам оила йилида хотин-қизларни улуғлаш, уларнинг оиладаги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини янада ошириш борасида амалга ошириладиган барча саъй-ҳаракатлар ҳаммамизнинг ҳаётимизга дахлдор ўта долзарб ва муҳим масаладир.

Оилани муқаддас билиш ва унинг мустаҳкамлиги учун курашиш бизнинг қон-қонимизга сингган юксак маънавий туйғу, ҳаётий тутумдир. Зотан, Президентимиз Ислом Каримов "Юксак маънавият – енгилмас куч" китобида таъкидлаганидек, ҳаёт абадийлиги, авлодлар давомийлигини таъминлайдиган маънавият қўрғони бўлмиш оилани мустаҳкамлаш бугунги кунда барчамизнинг наинки асосий вазифамиз, балки инсоний бурчимиздир.

Ҳуснидин БЕРДИЕВ,
ЎзА шарҳловчиси.

Осмони мусаффо, халқи осуда яшаётган мамлакатда тараққиёт бўлади, одамлар эзгу ниятлар билан яшайди. Эл-юртининг тинчлиги ва хотиржамлигини таъминлаш, Ватан сарҳадларини ҳимоя қилиш эса шон-шараф ишидир. Халқимиз шу кунларда шундай вазифани шараф билан адо этаётган Ўзбекистон Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 20 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўрмоқда.

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВЛАР

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгаши ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларда она Ватанга садоқат туйғуларини мустаҳкамлаш мақсадида умумтаълим мактаблари ҳамда олий ва ўрта-махсус таълим муассасалари ўқувчи ва талабаларининг Қуролли Кучларимизнинг марказий музейи, вилоятимиздаги олий ҳарбий билим юртларига ташрифини уюштириб, турли учрашув ва кечалар ҳамда Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамблининг концертларини ташкил этмоқда.

Шундай учрашувлардан бири Чирчиқ шаҳридаги Сержантлар тайёрлаш мактабида бўлиб ўтди. "Миллий армиямиз – тинчлигимиз гарови" мавзусида ташкил этилган тадбирда иштирок этган Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, республика Маънавият тарғибот маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, Тошкент давлат юридик институти вакиллари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Қуролли Кучларимизнинг Ватанимиз тараққиёти, халқимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида сўз юритдилар.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ОДАМ САВДОСИ

Пойтахтда вояга етмаганларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, улар ўртасида одам савдосига қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

ДОЛЗАРБ МУАММО

Унда Бош прокуратура, Олий ва ўрта махсус, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, Халқ таълими вазирликлари мутасаддилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Давра суҳбатида Республика Идороларо комиссияси таркибига кирувчи давлат ва жамоат ташкилотларининг вакиллари вояга етмаганлар орасида одам савдоси муаммосининг олдини олишда тарғибот-ташвиқот ишларини жадаллаштириш, бу борада айниқса ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

"Туркистон-пресс".

ЯНГИ ЙИЛ БАЙРАМИ ТАРАДДУДИ

БОЖХОНАЧИЛАР ҲУШЁРЛИКНИ ОШИРМОҚДА

Ҳаммамиз орзиқиб кутаётган Янги йил байрамию ўқувчиларнинг қишки таътили бошланишига саноқли кунлар қолди. Фарзандларимизни арча атрофида кечадиган саргузаштларга бой, бир-биридан ажойиб байрам тадбирлари кутиб турибди...

Мутахассисларнинг таъкидлашича, пиротехника воситалари тез ёнадиган моддалардан тайёрланади ва уларнинг деярли барчаси ёнғин чиқиши нуқтаи назаридан хавфли буюмлар ҳисобланади. Бу эса бевосита одамларнинг ҳаёти ва соғлиғига, жамоат тартиби ва фуқароларнинг мол-мулкига жиддий зарар етказиши мумкин.

Шу боис юртимизда пиротехника буюмларидан фойдаланишни тартибга солиш, бу борадаги тегишли қонунчилик базасини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2010 йил 22 сентябрда "Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун қабул қилинди.

Ушбу қонунда пиротехника воситаларини мамлакатимизга олиб кириш, ишлаб чиқариш, ташиш, сақлаш, сотиш устидан самарали давлат назоратини ўрнатиш, уларнинг қонунга хилоф равишда муомалада бўлиши ва ишлатилишининг олдини олиш, пиротехника воситаларини қўллаган ҳолда оммавий тадбирларни ўтказишда хавфсизлик чораларини кучайтириш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ҳимоясини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилган.

Мазкур қонунга биноан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига "Пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласи" деб номланган 250?-модда киритилди. Унга кўра, пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, шунингдек, уларни мамлакатимизга олиб кириш ва олиб чиқиш ёки сотиш учун жиноий жавобгарлик белгиланди.

Айни кунларда юртимизда Янги йил байрамининг қизиқарли, ҳаяжонли ва мазмунли ўтиши учун кенг кўламли тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Тошкент вилояти божхоначилари ҳам пиротехника воситаларининг юртимизга кириб келишига йўл қўймаслик мақсадида зарур чора-тадбирларни кўрмоқда.

– Янги йил байрами арафасида пиротехника воситалари билан боғлиқ турли нохушликлар содир этилиши кузатилади, – дейди Тошкент вилояти божхона бошқармаси бошлиғи ўринбосари, подполковник Анвар Жўраев. – Қабул қилинган ушбу қонун пиротехника буюмларининг ноқонуний айланиши ва улардан қонунга хилоф равишда фойдаланишнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши эса истеъмолчилар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, турли маданий-томоша тадбирларини ўтказишда хавфсизликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига киритилган қўшимчаларга кўра, пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқарганлик, тайёрлаганлик, сақлаганлик, ташиганлик, жўнатганлик, улардан фойдаланганлик, шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кирганлик (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиққанлик) ёки сотганлик учун ҳуқуқбузарлик буюмларини мусодара қилиш билан бирга жиноий ва маъмурий жавобгарлик белгиланган бу борадаги ноқонуний ҳаракатларнинг кескин камайишига олиб келди.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси ходимлари томонидан ўтган давр мобайнида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда амалга оширилган тезкор чора-тадбирлар самарасида қиймати икки миллион 387 минг сўмлик бир минг 561 дона "салют", 67 минг донадан ортиқ "пикарда", 500 донага яқин "хлопушка" каби пиротехника воситаларининг ноқонуний олиб ўтилишига чек қўйилди.

Жорий йилнинг 10 декабрь куни божхоначилар "Биштқўприк" божхона комплексида Тожикистон Республикаси фуқароси Мавжуда Сатторованинг буюмларини божхона кўригидан ўтказаётганда яширинча бир килограмм "7-SHOTS" номли пиротехника воситалари олиб ўтилаётгани аниқланди. Шунингдек, айнан шу божхона комплексида Россия Федерацияси фуқароси Замира Акромовадан ҳам икки турдаги пиротехника воситалари олиб қўйилди. Юқоридаги ҳолатлар юзасидан божхона суриштирув ишлари давом эттирилмоқда.

Тошкент вилояти, шаҳар ва туман ҳокимликлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, божхона, солиқ, давлат чегараларини қўриқлаш бўлинмалари ва бошқа мутасадди идоралар ҳамкорлигида пиротехника маҳсулотларининг вилоят ҳудудига кириб келиши ва сотилишининг олдини олиш бўйича тезкор профилактика тадбирлари амалга оширилмоқда. Божхоначилар томонидан барча асосий ва айланма йўлларда ҳаракатланаётган автомашиналар ҳамда йўловчиларнинг юклари синчковлик билан текширувдан ўтказилмоқда.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизга пиротехника воситаларини олиб кириш йўлига мустаҳкам қонуний тўсиқ қўйилган. Бу борада амалга оширилаётган қатъий чора-тадбирлар халқимизнинг саломатлиги ва жамоат хавфсизлигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Бу жараёнга муносиб ҳисса қўшиш эса барчамизнинг бурчимиздир.

Л. СУВОНОВ,
ЎзА мухбири.

ИҚТИСОДИЁТ

ХИЗМАТ ВА СЕРВИС – ТУРМУШГА БАРАКА

Иқтисодиётни ривожлантиришда, иш ўринларини кўпайтириб, аҳоли даромадларини оширишда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг улуши ортиб бормоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида эришилаётган натижалар бунинг далилидир.

Эндиликда ялпи ҳудудий маҳсулотда бу соҳанинг ҳиссаси 38 фоиздан ошди. Вилоят иқтисодиёт, банк ва хўжалик субъектлари бу соҳани ривожлантиришнинг истиқболли дастурида белгиланган вазифа – ялпи ҳудудий маҳсулотда хизмат кўрсатиш соҳаси улушини 45 фоизга кўтаришга ҳаракат қилмоқда. Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш тармоқлари кенгайиб бораяпти.

Соҳани ривожлантириш дастури асосида ўтган тўққиз ойда тижорат банклари бу соҳада фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга 26,1 миллиард сўмдан ортиқ кредит ажратди. Бу маблағлар истиқболли, йирик лойиҳаларни амалга оширишга сарфланаётир. Натижада шаҳар ва қишлоқларда 700 дан ортиқ янги хизмат кўрсатиш корхоналари барпо этилиб, уларнинг аксарияти лойиҳада белгиланган муддатларда ишга туширилди. Энг муҳими, уларда 24 мингга яқин ходим иш бошлади. Бу аҳолига хизмат кўрсатиш суръатини 15,3 фоиз ошириш имконини берди.

Аҳоли жон бошига пуллик хизмат кўрсатиш тўққиз ойда 173 минг сўмга етди, ўсиш суръати ўтган йилнинг шу муддатидагига нисбатан 32 фоиз кўтарилди.

Қатор шаҳар ва туманларда янги хизмат турлари йўлга қўйилиб, соҳа босқичма-босқич ва барқарор ривожлантирилаяпти. Чунончи, Бекобод шаҳрида йилнинг биринчи чорагида башорат кўрсаткичи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 121,6 фоиз қилиб белгиланганди. Амалда аҳолига жами 5 миллиард 231 миллион сўмликдан кўпроқ турли хизматлар кўрсатилди, белгиланган башорат кўрсаткичи 121,8 фоиз бажарилди. Жон бошига пуллик хизмат кўрсатиш 40,1 фоиз ўсди. Хизмат ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурида биринчи чорак учун белгиланган башорат кўрсаткичи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 107 фоиз қилиб белгиланиб, амалда 110,8 фоиз бажарилиши таъминланди. Бу саъй-ҳаракатлар шаҳарда транспорт, алоқа, меҳмонхона, автомобилларни таъмирлаш ва бошқа хизматлар кўлами кенгайиб, турмуш даражаси кўтарилишига олиб келмоқда.

2011-2013 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурида катта вазифалар кўзда тутилган. Шаҳар ва туман ҳокимликлари, бошқарув ва хўжалик идоралари уларни изчил бажариш учун барча зарур чораларни кўришлари керак. Зеро, иқтисодиётни жадал ривожлантириш, пул тушумини кўпайтириб, молиявий барқарорликни таъминлаш одамларнинг топиш-тутишларига барака кириб, турмуш даражаси барқарор кўтарилиб боришида катта аҳамиятга эга.

Жўра САЪДУЛЛАЕВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ИДОРАЛАРИДА

Республика Президенти илгари сурган демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институти – маҳалла фаолиятининг ташкилий асосларини янада такомиллаштириш, унинг вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув идоралари билан узвий муносабатини таъминлашга қаратилган аниқ вазифалар белгилаб берилган.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ МАРКАЗИ

– Туманимиздаги фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари ўттиздан ортиқ ваколатларни самаралли амалга ошириш бўйича ўзига хос тажриба тўплаган, – дейди "Маҳалла" хайрия жамғармаси Янгийўл тумани бўлинмаси раиси Эркин Йўлчиев. – Ҳар йили тизимдаги илғор иш усулларини оммалаштириш мақсадида маҳаллаларда турли мавзуларда семинарлар, учрашув ва давра суҳбатлари, кўрик-танловлар ўтказаяпмиз.

Фуқаролар йиғинларида маънавий муҳитни соғломлаштириш, аҳоли орасида турли диний ақидапарастликларнинг олдини олиш, давлатимиз раҳбари ва ҳукуматимиз қарор ва фармонларини тарғиб қилиш мақсадида "Фуқаролар йиғинларининг энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси", "Маҳаллам тарихини ўрганаман", "Дўппи тикдим ипаклари тиллодан", "Футболимиз келажаги", "Маҳалламиз полвонлари" танловларини ўтказиш яхши анъана бўлиб қолди. Бир қатор мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилаётган танловларда маҳалла аҳли фаол иштирок этиб, ўз иш услублари билан ўртоқлашаётгани, ёшлар спортнинг турли йўналишларида ўз маҳоратларини синашаётгани, миллий удум ва анъаналаримизга содиқликларини намоён этаётганлари қувонарли ҳол, албатта.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари – маҳалла йиғинларининг аниқ йўналтирилган иш режасида аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бош масалалардан бири эканлиги алоҳида таъкидланган.

Ўтган даврда жамғарма 18 та кам таъминланган оилага 18 бош қорамол, 18 та фуқаролар йиғинига компьютер жамланмаси, 7 та фуқаролар йиғинига эса мебель олиб берди. Шунингдек, туманда имконияти чекланган, уй шароитида таҳсил олаётган 6 ўғил-қизга ҳам жамғарма компьютер жамланмалари ҳадя қилди. Улар яшаётган маҳалла фуқаролар йиғинлари шу ўқувчилар ҳолидан хабар олиб, маънавий ёрдам кўрсатишни ўз зиммаларига олган.

Туманда кичик корхоналар, фермер хўжаликлари ва якка тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 864 та, янги ишлаб чиқариш объектларини ишга тушириш ва уларни кенгайтириш орқали 253 та, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш йўли билан 80 та янги иш ўрни яратилди. Бугун туманнинг ҳар бир гўшасида шинам ва кўркам гузарлар, сервис хизмати шохобчалари, маданий-маиший бинолар қад ростлаган. Бу ишларнинг бошида, албатта, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш идоралари турибди.

Оилавий бизнесни ривожлантириш мақсадида халқнинг азалий қадриятлари ва жойлар тарихи инобатга олиниб, ҳунармандчиликка эътибор кучайтирилди. Тумандаги 87 та маҳалла фуқаролар йиғинининг барчасида аждодларимизнинг каштачилик, тикувчилик, сандиқчилик каби қадимий ҳунарлари давом эттирилмоқда.

Аҳолининг томорқадан унумли фойдаланиши бугунги кунимизнинг долзарб вазифаларидан биридир. Қишлоқда яшаб, мева-сабзавотни бозордан харид қилиш бугунги ҳаёт тарзига мос келмайди. Қолаверса, томорқада мева ва сабзавот етиштириш оила иқтисоди учун муҳимдир. Бу борада "Маҳалла" жамғармаси 10 та қишлоқ фуқаролар йиғинидаги аҳоли томорқалари учун зарур бўлган уруғликлар билан савдо қилувчи махсус дўконлар ташкил этиб, сара мева ва ток кўчатларини етиштирувчи миришкор боғбонларни жалб қилди. Аҳоли томорқаларида мева ва сабзавотчиликни ривожлантириш мақсадида жамғарма республика "Маҳалла" жамғармасига агроном мутахассислиги штатини очиш таклифи билан чиқди.

Мустақил Ўзбекистонни бутун дунёга танитиб, жаҳон ҳамжамияти олдида мавқеини юксалтирган, юзини ёруғ қилган "ўзбек тараққиёт модели"да ижтимоий ҳимоя асосий тамойиллардан бирига айланди. Зеро, юртимизда инсон азиз, унинг манфаатлари энг олий қадрият саналади. Бу жараёнда маҳалла халқнинг ишонч ва таянчига айланаётгани қувонарлидир.

Аҳмаджон РИХСИБОЕВ.
СУРАТДА: "Маҳалла" жамғармаси Янгийўл тумани бўлинмаси раиси Э. Йўлчиев фаоллар билан.

Даврон АҲМАД олган сурат.

ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

Тошкент вилоят ҳокимининг 2009 йил 2 февралдаги 12-сон "Вилоят ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмларни сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш тўғрисида"ги фармойишига асосан вилоят Танлов комиссияси фаолият юритмоқда. Комиссия 2012 йил I чораги учун Тошкент ҳарбий округи таркибига кирувчи ҳарбий қисмларга сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб бериш (шу жумладан, захирага ғамлаш) бўйича қуйидаги маҳсулотларга танлов эълон қилади:

1. Биринчи навли ун маҳсулотидан нон (ГОСТ 27842-88)
2. Биринчи навли ун маҳсулоти
3. Иккинчи навли ун маҳсулоти
4. Иккинчи тоифали гўшт маҳсулоти (ГОСТ 779-55)
5. Ярим дудланган колбаса маҳсулоти (ГОСТ 16351-86)
6. Дудланган гўшт
7. Товуқ тухуми Д-1 (O'zDSt 626-2004)
8. Сок п/я (олмали ГОСТ 656-79, ГОСТ 16366-78)
9. Сметана 30 фоиз (жир O'zDSt 1084-2005)
10. Творог 18 фоиз (O'zDSt 119-2003с)
11. Пишлоқ 45 фоиз (ГОСТ 7616-85)
12. Томат пастаси 30 фоиз (ГОСТ 3343-89)
13. Карам (ГОСТ 1724-85)
14. Помидор (ГОСТ 1725-85)
15. Бодринг (ГОСТ 1726-85)
16. Қуритилган мевалар
17. Хамиртуруш
18. Арпа
19. Сомон

Танловда қатнашиш учун талаб этиладиган ҳужжатлар: гигиена, сифат ва карантин бўйича сертификат, корхона низомидан нусха, паспорт нусхаси, лицензия ҳамда солиқ ва хизмат кўрсатувчи банкдан қарздорлик мавжуд эмаслиги ҳамда мавжуд омбор (музлаткич) тўғрисида маълумотнома.

2011 йилнинг 31 декабрь кунига қадар таклифларингиз қабул қилинади. Қўшимча маълумотлар учун тел.: 233-57-61, 236-02-82, 236-27-70.

Манзил: Тошкент ш., А. Темур шоҳкўчаси, 17-уй. Тошкент вилояти ҳокимлиги, 3-қават.

СОҒЛОМ ОНА – СОҒЛОМ БОЛА

СОҒЛОМЛАШТИРИШ ДАСТУРИ АМАЛДА

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам бериш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашда нодавлат ташкилотларнинг алоҳида ўрни бор. "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, кам таъминланган оилалардаги бемор болаларни ижтимоий ва тиббий қўллаб-қувватлаш тадбирларида доимо фаол. Шу мақсадда бемор болаларни хориждаги нуфузли клиникаларда даволатишга қаратилган махсус дастур ишлаб чиқилган.

Оналар ва болалар саломатлиги – оналик ва болаликни муҳофаза қилиш миллат келажаги учун хизмат қилишдир. 2002 йилда "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Германиянинг "Фриденздорф Интернейшнл" халқаро ташкилоти уч томонлама ҳамкорлик битимини имзолаган эди. "Фриденздорф Интернейшнл" 35 дан ортиқ давлат билан шундай ҳамкорлик қилади. 2002 йилдан буён 200 дан зиёд бола Германия клиникаларида соғломлаштирилди, юрак туғма нуқсонли 64 бола Корея Республикаси ва мамлакатимиз клиникаларида даволанди.

Жамғарма "Фриденздорф Интернейшнл" билан ҳамкорлик доирасида 2011 йил давомида 20 болани Германия клиникаларига даволанишга юборди. Февраль ойида эса 6 ой ва ундан ортиқ муддатда Германияда даволаниш курсларини ўтаган 17 бола юртимизга қайтди.

Ҳозирги кунда 1 ёшдан 12 ёшгача бўлган 11 бемор бола Германия клиникаларида даволанишни давом эттирмоқда. Улардан 3 нафари юртимизга қайтиб келди. Жумладан, Фарғона вилояти Ёзёвон тумани Чўлигулистон қишлоғилик Ўғилой Жумаева чап оёғи болдир суягининг сохта бўғими калталиги касаллиги билан 3 йил давомида бир неча марта операция қилиниб, даволанди. Навоий вилояти Навбаҳор туманилик Мафтунбек Соҳибназаров ўнг оёғидаги туғма нуқсонини даволатди. Навоий вилояти Конимех туманилик Маҳкам Ҳамидов остимиолит асорати қолган оёғининг калталигини тўғрилатди.

Шунингдек, ушбу халқаро ташкилотнинг грант маблағи ҳисобига шу йилнинг ўтган даврида республика бўйича жами 430 нафар туғма лаб-танглай нуқсони, "Чиройли оёқчалар" лойиҳаси доирасида туғма оёқ нуқсони бор ва "Қийшиқ бўйин" ташхиси билан 15 ёшгача бўлган болалар 38 миллион сўмга яқин маблағ сарфланиб, жарроҳлик операцияларидан ўтказилди.

Умуман ўтган даврда республика клиникаларида 2600 бемор бола операция қилиниб, соғломлаштирилди.

Куни кеча Германия клиникаларида 6 ой ва ундан зиёд муддат даволаниб, соғломлаштирилган болаларнинг бир гуруҳи юртимизга қайтиб келди. Шу муносабат билан "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси Тиббий-ижтимоий марказда уларни тантанали кутиб олиш маросими уюштирди.

Самад ЙЎЛДОШ.

ҲУҚУҚИЙ ДАРС

ОЛИЙ ҚАДРИЯТ

Халқимизнинг азалий орзу-умиди бўлган ва мустақиллигимиз туҳфа этган энг олий неъматлардан бири инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг тан олиниши, давлат томонидан ҳимоя қилиниб, унинг ҳуқуқий асослари яратилиши бўлди. Зеро, ўз олдимизга қўйган пировард мақсадимиз – демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини қарор топтириш, кафолатлаш ва ҳуқуқий асосини яратиш ҳал қилиниши лозим бўлган муҳим масалалардан бири эди.

Инсон ҳуқуқ ва манфаатларини қарор топтириш ва ҳуқуқий кафолатини яратишда муҳим қадамлардан бири 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қабул қилиниши бўлди. Бу муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа инсон ҳуқуқ ва манфаатлари тан олинишида ўзига хос тамал тошини қўйди. Натижада инсон ҳуқуқ ва манфаатларига барча қатъий риоя қилиши ва сўзсиз тан олиши қонуний мустаҳкамланди ва унинг ҳуқуқий кафолати Конституция меъёрларида ўз аксини топди.

Асосий Қонун меъёрларида инсон ҳуқуқ ва манфаатларининг халқаро ҳуқуқ моддаларида умумэътироф этилган меъёр ва қоидалари ифодаланди. Хусусан, 1991 йил 30 сентябрда "Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси" ратификация қилиниб, унинг меъёрлари тўлиқ Ўзбекистон Республикаси Конституциясида акс эттирилди. Пировардида, Ўзбекистон Республикаси демократия ва инсон ҳуқуқларини олий қадрият сифатида тан олиши амалда исботланди. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасида инсон ва унинг ҳуқуқлари олий қадрият эканлиги мустаҳкамлаб қўйилди: "Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади. Демократик ҳуқуқ ва эркинликлар Конституция ва қонунлар билан ҳимоя қилинади".

Бош Қомусимизда инсон ҳуқуқ ва манфаатлари кафолати алоҳида боб сифатида киритилди ва унинг моддаларида инсон ҳуқуқ ва эркинликлари давлат томонидан ҳимояланиши, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилишлари мумкинлиги, хотин-қизларнинг эркаклар билан тенг ҳуқуқларга эгалиги ўз аксини топди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини жамиятнинг барча соҳаларида қарор топтириш, уларнинг давлат томонидан кафолатланиши ва ҳуқуқий асосларини яратиш ғояси Юртбошимиз томонидан олға сурилди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек: "Эндиликда инсон, унинг ҳаёти, эрки, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа ажралмас ҳуқуқ ҳамда эркинликлари муқаддас саналиниб, улар давлат томонидан кафолатланади". Бугунги кунда Асосий Қонунимиз инсонлар бахт саодати, ўз тақдирини ўзи мустақил белгилаши учун хизмат қилмоқда.

Дилшод РАЖАБОВ,
Тошкент давлат юридик институти магистранти.

ИНСОН ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ КАФОЛАТЛОВЧИ ҲУЖЖАТ

Ҳар қандай жамиятда инсон қадр-қиммати, муносиб турмуш кечириши, адолат ва эртанги кунга ишончи унинг ҳуқуқ ва эркинликларига муносабат билан белгиланади. Инсон ҳуқуқлари олий қадрият сифатида эътироф этилгани ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қабул қилган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг мазмун-моҳиятини ифодалайди. Декларация 1948 йил 10 декабрда қабул қилиниб, бу сана "Инсон ҳуқуқлари куни" сифатида бутун дунёда кенг нишонланади.

Барча мамлакатлар декларация қоидаларига суянади ва уларни ўзларининг асосий қонунлари ёки конституцияларига киритган. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги иккита халқаро битим ва факультатив протоколлар билан биргаликда Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро биллни ташкил этади.

БМТ ташаббуси туфайли эришилган инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги шартномалар иккита халқаро ҳужжатдан иборат: биринчиси – иқтисодий-ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар, иккинчиси – фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги битимлар.

Бу ҳужжатларнинг кейингиси фуқароларга якка тартибда арзнома тақдим қилиш ҳуқуқини белгиловчи ва ўлим жазосини тақиқловчи Факультатив протоколлар билан тўлдирилган. Мазкур нормаларнинг иштирок этувчи давлатлар томонидан бажарилишини назорат қилиш органи – Инсон ҳуқуқлари бўйича комиссия таъсис этилди ва бу умумий декларация ҳужжатларининг обрўсини янада оширди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 21-моддасида дунёдаги барча инсонларнинг сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари белгилаб қўйилган. 22-27-моддаларида ҳар бир инсоннинг у яшаб турган жамият олдидаги вазифалари белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси Парламенти ушбу халқаро ҳужжатга қўшилгани ҳақидаги маълумотни 1991 йил 30 сентябрь куни эълон қилган. Конституциямиз инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қайд этибгина қолмай, амалга оширилишини ҳам кафолатлайди. Асосий қонунимизнинг 43, 44, 45, 46-моддалари айнан шу кафолатларга бағишланган. 47, 52-моддаларда эса фуқароларнинг асосий конституциявий бурчлари белгилаб қўйилган.

2008 йил Декларация қабул қилинганига 60 йил тўлди. Шу муносабат билан давлатимиз раҳбарининг "Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган тадбирлар дастури тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Унда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини янада самаралироқ рағбатлантириш ва муҳофаза қилишга оид қатор чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Фармонга кўра 2008 йил 10 декабрь куни мамлакатимизнинг барча таълим муассасаларида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишлаб, умуммиллий дарс ўтказилди. Декларация қоидалари амалдаги миллий қонунчиликка тўлиқ имплементация қилинди. Унинг меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик, Оила, Меҳнат, Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ва бошқа кўплаб қонунларда, республика Президенти ва ҳукуматининг инсон ҳуқуқларини кафолатловчи қарор ва фармонлари ҳамда дастурларида ўз аксини топган. Мамлакатимиз парламенти 1992 йил декабрда БМТнинг "Болалар ҳуқуқлари тўғрисида"ги Конвенциясини ратификация қилди. 2007 йилда эса "Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, инсоният тараққиётининг энг эзгу мақсадлари ва демократик қадриятлар тимсоли бўлган ғоят муҳим ҳужжат – Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг қоидалари ҳар бир давлат учун дастуриламал бўлиб қолмоғи ҳамда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларига хизмат қилмоғи лозим.

Нурия ШОҲНАЗАРОВА,
6-давлат нотариал идораси нотариуси.

Бугун барча соҳалар қатори адабиётга, хусусан ижодкор аҳлига катта эътибор қаратилаётир. "Дўрмон" ижод уйида "Истеъдод мактаби" республика семинарининг ўтказилиши ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди.

АДАБИЁТ МИЛЛАТ КЎЗГУСИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва "Ижод" фонди томонидан ташкил этилган семинарда халқ суйган ёзувчилар, шоирлар, адабиётшунослар ҳамда ижодкор ёшлар иштирок этди.

Семинар ижод оламида ўз ўрнини топишга интилаётган ёшларни устозлар эътиборига тушиши, уларнинг қимматли маслаҳатлари ва тавсияларини олишига яқиндан ёрдам берди.

"Туркистон-пресс".

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ

ТАБИИЙ ГАЗ – ЖОН РОҲАТИ

аммо, лоқайдлик оқибатида у жон офатига айланиши ҳеч гап эмас

Маълумки, ҳар йили об-ҳаво пасайиши билан юртимизда иситиш мавсуми бошланади. Айнан шу давр ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари учун йилнинг бошқа мавсумларига қараганда хавотирлироқ десак, муболаға бўлмайди. Чунки, бу мавсумда ёнғинлар кўпаяди. Таҳлилларга назар ташлайдиган бўлсак, йил давомида содир бўладиган умумий ёнғинларнинг 80 фоизга яқини фуқаролар уйларига тўғри келади ва уларнинг асосий қисми айнан иситиш мавсумида рўй беради.

Иситиш мавсумида фуқаролар тураржойларида, давлат муассасалари, маъмурий биноларда ёнғинларнинг олдини олиш мақсадида давлат ёнғин назорати ходимлари маҳаллий газ идоралари, электр тармоқ хизмати ва бошқа тегишли хизмат ходимлари билан ҳамкорликда жойларда мунтазам рейдлар ўтказиб, аниқланган камчиликларни имкон қадар тез бартараф этиш чораларини кўрадилар.

Ёнғинлар турли сабабларга кўра рўй беради. Жумладан, қўлбола электр иситиш асбобларидан фойдаланиш, иситиш асбобларини узоқ муддатга қаровсиз қолдириш, газ босимининг ўйнаши, яъни бирдек турмаслиги, иситиш печларидан фойдаланишда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, мўрконларнинг мавсум бошланишидан аввал тозаланмаслиги, иситиш печлари яқинида тез ёнувчи материалларнинг сақланиши, болаларнинг шўхлиги ва гугурт ўйнаши, ошхонада газ комфоркаларининг ҳаммасини ёқиб қўйиш ва уларнинг устида кийим қуритиш ёнғин чиқишига олиб келади.

Шу ўринда иситиш мавсумида яшаш ва иш жойларида ёнғинларнинг олдини олиш имконини берувчи энг оддий ва шу билан бирга энг муҳим ёнғин хавфсизлиги қоидаларидан бир нечатасини айтиб ўтмоқчиман. Обҳаво кескин совиб кетиши сабабли тунда газ босими пасайиб, печь ўтхонасидаги аланга ўчиб қолиши ва газ тўпланиши, шу пайтда бехосдан чироқ ёки гугурт ёқилса, порт-лаш юш бериши мумкин. Демак, тунда печь назоратини кучайтириш зарур.

Ёйма бозорлардан харид қилинган носоз ёки қўлбола электр иситиш асбобларидан фойдаланмаслик, электр розеткаларга катта қувватда ишлайдиган бир нечта иситиш асбобларини уламаслик, уларни узоқ муддат қаровсиз қолдирмаслик лозим.

Қаттиқ ва газсимон ёнилғи ёқиладиган печларнинг яқинида ёнувчи материалларни қолдирмаслик, мебель ва бошқа уй жиҳозларини ўрнатмаслик ва кийим қуритмаслик керак. Шунингдек, газ плиталаридан хонани иситиш мақсадида фойдаланмаслик ва уларнинг устида кийим қуритмаслик, печь ва бошқа асбоблар ёнига болаларни яқин йўлатмаслик ҳамда уларни уйда ёлғиз қолдирмаслик, печь ўтхонасига ҳаддан ташқари катта ўтинларни қаламаслик ва эшикчасини очиқ қолдирмаслик зарур.

Хавфсизликни таъминлаш мақсадида иситиш печи тагидаги ёғоч полга 70х50 см. ўлчамли тунука қоқилади. Қаттиқ ёнилғида ишлайдиган печлар мутахассислар рухсати билан газга ўтказилади. Тутун мўрилари томнинг энг баланд нуқтасидан 70 см. баландроқ бўлиши керак.

Печдан чиққан кул ва чўғларни болалар кўзидан нари хавфсиз жойларга олиб чиқиб ташлаш ва сув сепиб ўчириш лозим.

Печь ўрнатилган хонада газ иси пайдо бўлса, дарҳол хонани шамоллатиб, газ авария хизматига хабар бериш талаб этилади. Носозлик бартараф этилгунга қадар гугурт ёқиш, очиқ алангадан фойдаланиш, электр асбобларини ёқиш ёки ўчириш тақиқланади.

Пировардида газ ва электр қувватидан фойдаланувчиларга шуни эслатмоқчи эдимки, ёнғинни ўчиришдан кўра унинг олдини олиш осон.

Ўлмас МУЗАФФАРОВ,
вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси катта муҳандиси.

УЙИМИЗНИ ЁНҒИНДАН АСРАЙЛИК!

Жорий йилнинг ўтган 10 ойи мобайнида вилоятимизда 1344 та ёнғин содир бўлди.Шулардан 921 таси фуқаролар турар жойларига тўғри келди ва бу ёнғинлардан фуқароларга 1 млрд. 260 млн. сўмдан ортиқ моддий зарар етди. Ёнғинлар натижасида 15 нафар инсонлар халок бўлиб, 54 нафари турли хилдаги тан жарохати олган.

ЁНҒИНЛАРНИНГ АСОСИЙ САБАБЛАРИ:

>электр мосламаларини носозлиги ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузилиши;
>печ ва газ қурилмаларини носозлиги ёки улардан фойдаланиш қоидаларини бузилиши;
>оловдан эхтиётсизлик билан фойдаланиш;
> болаларни олов билан ўйнаши.

ҲУРМАТЛИ ФУҚАРОЛАР:

Ёнғин келиб чиқишини олдини олиш учун қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш керак:

>Носоз газ ва электр асбоб-ускуналаридан фойдаланманг, ишлатилаётган газ ва электр асбобларини назоратсиз қолдирманг;
>Газ ва электр ускуналарини ўрнатиш учун тегишли идоралар мутахассисларини чақиринг;
>Газни резина шланг орқали улаб ишлатманг;
>Иситиш печи ва унинг дудбуронини носоз жойларини ўз вақтида таъмирланг;
>Иситиш печларини қаттиқ қиздириб юборманг,уларнинг яқинига мебель ва бошқа ёнувчан буюмларни қўйманг;
>Газ плитаси ва иситиш печлари устида кийим-кечакларни қуритманг;
>Қўлбола ясалган электр асбоблардан, ностандарт ва қўлбола сақлагичлардан ҳамда вақтинчалик ўтказилган электр симлардан фойдаланманг;
>Ёқилган иситиш печи, газ ва электр асбобларини болалар ихтиёрига топширманг;
>Том ва чордоқларда хашак ҳамда бошқа ёнувчан буюмларни сақламанг;
>Ёш болаларни гугурт ва олов билан ўйнашларига йўл қўйманг ва уларни назоратсиз қолдирманг.

Ёнғин содир бўлганда зудлик билан "01" телефон рақами орқали Ёнғин хавфсизлиги хизматига хабар беринг.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати фуқаролардан юқоридаги оддий бўлган ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишларини ва хар доим ёдда тутишларини сўраб қолади.

Тошкент вилояти ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси

Суд департаменти Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан "Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2011 йил 7 декабрдаги 96-97-сонида чоп этилган "Ўзбекистон Республикаси Адиля вазирлиги ҳузуридаги Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаменти (кейинги ўринларда Суд департаменти)нинг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари ижроси юзасидан мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танловда қатнашиш учун савдо ташкилотлари (юридик шахслар)ни очиқ танловга таклиф этади" эълондаги 2- ва 3-бандлари қуйидагича ўқилсин:

2) 2012 йил 13 январь куни соат 15.00-18.00 гача Бекобод шаҳри, Бекобод, Бўка, Пискент, Қуйи Чирчиқ, Оққўрғон ва Чиноз туманлари бўйича;

3) 2012 йил 14 январь куни соат 15.00-18.00 гача Чирчиқ шаҳри, Қибрай, Бўстонлиқ, Янгийўл, Зангиота туманлари бўйича танлов ўтказилиб, танлов натижалари бўйича ғолиблар аниқланади".

Суд департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси танлов ўтказиш комиссияси.
Манзил: Тошкент шаҳри, Т. Малик кўчаси, 2-уй.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қуйидаги нотариус лавозимларига танлов ўтказишни қайта эълон қилади!

Зангиота туман 8-сон давлат нотариал идорасига	1 нафар
Чиноз туман 2-сон давлат нотариал идорасига	1 нафар
Янгийўл туман 5-сон давлат нотариал идорасига	1 нафар
Олмалиқ шаҳар 1-сон давлат нотариал идорасига	1 нафар
Оҳангарон туман 2-сон давлат нотариал идорасига	1 нафар

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;
5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар 2012 йил 5 январь кунига қадар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига мурожаат этишлари лозим.

Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.
Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.

ОСОЙИШТА ТУРМУШ САРИ

Тошкентда "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Бугун юртимизда мазкур заҳарли омилларга қарши курашиш, аҳолини, хусусан ёшларни соғлом ҳаёт сари етаклаш, улар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида"ги қонун бу борадаги ишлар самарадорлигини янада оширди. Таъкидлаш керакки, қонун йигирма ёшга тўлмаган шахсларнинг алкоголь ва тамаки маҳсулотлари истеъмолидан асраш, бу орқали жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга йўналтирилгандир.

Қонун муҳокамасига бағишланган тадбирда мазкур маҳсулотлар истеъмолини чеклаш борасида амалга оширилаётган ишлар, уларни сотувчи савдо объектлари таълим, спорт масканлари ва диний муассасалардан камида беш юз метрдан кам бўлмаган радиусда бўлишлиги, уларни доналаб, қутисиз сотиш ман этилганлиги, маҳсулотларда унинг соғлиқ учун зиён эканлигини кўрсатувчи матн бўлиши зарурлиги, автомобиль шохобчаларида, жамоат транспортларида чекиш ва ичиш мумкин эмаслиги ҳақидаги фикрлар ўртага ташланди. Шунингдек, иштирокчиларга ҳозирги кунда алкоголга қарам бўлиб қолган кишиларга тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш, уларни реабилитация қилиш юзасидан кўмак бериш, беморнинг хоҳишига кўра, уларга тегишли тиббиёт масканларида ёрдам кўрсатилиши қонун ҳужжатлари асосида олиб борилиши ҳақида батафсил маълумот берилди.

Наргиза АСАДОВА,
"Туркистон-пресс".

"KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: I. Чилонзор тумани СИБ томонидан 08.11.2011 йилдаги №41807-сонли ижро иши ва Тошкент шаҳар Хўжалик судининг 21.10.2011 йилдаги 10-1109/13521-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Лисунова кўчаси, 35-уйда жойлашган, 3 қаватли, ер участкасининг умумий майдони – 2630 кв.м., умумий фойдаланиш майдони – 1950 кв.м. бўлган "Лисунова" кинотеатри, бош.нархи – 1 500 000 000 сўм. II. Чилонзор тумани СИБ томонидан 12.03.2009 йилдаги №10-0914/987-сон ижро ҳужжатига асосан "Тошкентлифт" трестига тегишли бўлган – 1) Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Строитель даҳаси, 9-А уй манзилида жойлашган 2 хонали, умумий майдони 86 кв.м.ли 73-хонадон нотураржой биноси, бош. нархи – 29 717 899 сўм; 2) Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Строитель даҳаси, 2-уй манзилида жойлашган 2 хонали, умумий майдони 71 кв.м.ли 25-хонадон нотураржой биноси, бош. нархи – 25 013 657 сўм; 3)Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор кўчаси, 85-уй манзилида жойлашган 2 хонали, умумий майдони 68 кв.м.ли 155-хонадон нотураржой биноси, бош. нархи – 33 376 787 сўм; 4) Тошкент шаҳри, Учтепа тумани, 24-даҳа, 55-уй манзилида жойлашган 2 хонали, умумий майдони 69 кв.м.ли 157-хонадон нотураржой биноси, бош. нархи – 28 081 569 сўм; III. Миробод тумани СИБ томонидан 25.08.2011 йилдаги №406/11-сон ижро ҳужжатига асосан – 1) Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 13-уйда жойлашган 38,57 кв.м. ҳажмдаги 3 та яшаш хонасидан иборат 72-хонадон (тураржой), бош. нархи – 72 962 426 сўм; 2) Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ц-1, 50-уйда жойлашган 60,5 кв.м. ҳажмдаги 3 та яшаш хонасидан иборат 3-хонадон (тураржой), бош. нархи – 129 066 403 сўм; 3) Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 13-уйда жойлашган 28,97 кв.м. ҳажмдаги 1 та яшаш хонасидан иборат 54-хонадон (тураржой), бош. нархи – 56 062 708 сўм; 4) Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 13-уйда жойлашган 28,87 кв.м. ҳажмдаги 1 та яшаш хонасидан иборат 46-хонадон (тураржой), бош. нархи – 55 089 490 сўм; 5) Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 13-уйда жойлашган 62,90 кв.м. ҳажмдаги 3 та яшаш хонасидан иборат 61-хонадон (тураржой), бош. нархи – 134 493 641 сўм. 6) Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Қўйлиқ-1 кўчаси, 23-А уйда жойлашган 47,22 кв.м. ҳажмдаги 2 та яшаш хонасидан иборат 11-хонадон (тураржой), бош. нархи – 40 155 000 сўм;

Аукцион савдолари 2012 йилнинг 20 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулклар 2012 йилнинг 20 январь куни сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдоси 2012 йилнинг 10 февраль куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO" МЧЖнинг АТИБ "Ипотека банк"нинг Шайхонтоҳур филиалидаги 20208000104931635001, МФО 00425, ИНН 207128747, ОКОНХ 83400 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Савдога қўйилган мол-мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 18.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишига бир иш куни қолганда соат 18.00 да тўхтатилади.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61.

Лицензия: №0039.

Утерянную гувохному на ТЧСЖ "SHARQ-YULDUZ KOMMUNAL SERVIS", регистр. № 000066, выданную инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства хокимията Хамзинского района г. Ташкента 09.06.2006 году на имя Бабак Лидии Андреевны и устав,

СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМИ.

ЧФ "NAVO-MEDIA", зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Сергелийского района за реестр. № 06-000150 от 29.03.2002 году (ИНН 203961474, ОКПО 18414357), расположенное по адресу: г. Ташкент, Сергелийский район, массив Сергели-8А, дом 22, кв. 41 сообщает о преобразовании в ЧП "NAVO-MEDIA". Тел.: 313-68-51.

XXI аср ва ДУНЁ

ХОРВАТИЯДА ЯНГИ ҲУКУМАТ ТУЗИЛМОҚДА

Мамлакат президенти Иво Йосипович социал-демократик партия етакчиси Зоран Милановичга янги ҳукуматни тузишни топширгани ҳақида хабар тарқатди AFP агентлиги.

Kukuriku (Кукареку) сўл центристлар блоки декабрнинг бошидаги парламент сайловларида ғалаба қозонди. Шу блок аъзоси бўлган партия етакчиси Милонович ихтиёрида янги ҳукумат тузиш учун 30 кун муддат бор. Бироқ, у янги маҳкама мажлисини кейинги ҳафтадаёқ ўтказмоқчи. "Кукареку" вакиллари ҳукуматдаги 151 ўриндан 80 тасини эгалладилар. Собиқ ҳукмрон партия – "Хорватия демократик ҳамдўстлиги"га 47 та ўрин насиб этди.

Социал-демократлар партияси мамлакатда энг йирик ҳисобланади. Хорватия халқ партияси, Истрийск демократик ассамблеяси ва Хорватия пенсионерлар партияси ҳам унинг таркибига киради. Партиянинг "Кукареку" номини олишининг сабаби шундаки, коалиция тузиш ҳақидаги музокаралар шу номдаги ресторанда ўтказилган.

Милонович ҳукуматининг муҳим вазифаси иқтисодий ўсишнинг пасайишига қарши курашдан иборат бўлади. Мамлакат 2009 йилдан бошлаб рецессияга юз тутди ва 2011 йилда унинг иқтисодий ўсиш суръати 0,5 фоиз бўлди. Бундан ташқари, Милановичнинг вазифаларига Хорватиянинг Европа Иттифоқига безиён қўшилишини таъминлаш ҳам киради. Бу воқеа 2013 йилнинг ўрталарига мўлжалланган.

ЮЗ КИШИ ИЧКИЛИКДАН ЗАҲАРЛАНДИ

Associated Press Ҳиндистоннинг шарқий қисмида ичкиликдан заҳарланиш оқибатида 102 киши ўлиб, ўнлаб одамлар шифохоналарга ётқизилгани ҳақида маълумот тарқатди.

Ҳукуматнинг маълум қилишича, одамларнинг заҳарланишига қўлбола ликёр ичимлиги сабаб бўлган. Таъсир қувватини ошириш мақсадида унга хавфли метил спиртини қўшишган. Асосан мардикорлар ва кам иш ҳақи оладиган ишчилар ушбу ясама ичкилик қурбони бўлишди.

Калькутта шаҳридан 30 километр масофадаги Сангрампур қишлоғида қурбонлар айниқса кўп бўлди. Олти ҳамқишлоғини шифохонага олиб келган маҳаллий аҳоли вакили Анвар Ҳасан Мулла телевидениега берган интервьюсида қўлбола алкоголь ичимликлар ишлаб чиқариш бу қадар назоратсиз қолдирилаётганидан ҳайратда эканлигини яширмади. "Полиция бу хавфли ишга нега чек қўймаяпти? Балки, унинг ўзи ҳам бундай жиноий ҳаракатга шерикдир?" деди у.

Сифатсиз алкоголли ичимликларни ичиш оқибатида юз бераётган бахтсиз ҳодисалар Ҳиндистоннинг камбағал туманларида кенг тарқалган.

НИГОҲ

РАҲМОНГА НОН, ХАЛҚҚА УВОҚ

Тожикистонда ҳосил йиғиш мавсуми қизғин пайтларда ундириш мумкин бўлган ҳар қандай нарсадан қуруқ қолмасликка интилади- ган президент Имомали Раҳмон ҳамда унинг кўплаб ебтўймас қариндошлари ва яқинлари фаоллашиб қолишлари маълум.

Март ойида Тожикистон раҳбари Сўғд вилоятига ташриф буюриб, ҳоким К. Расулзодага Спитамен ун комбинатига кўмаклашиш ҳақида кўрсатма берди. Бундай меҳрибонлик бежиз эмас. Гап шундаки, ун комбинатига Раҳмоннинг ҳамюртги, кўп йиллар давомида Жаноби Олийлари билан ош-қатиқ бўлган ҳамда унинг катта оиласига доимо молиявий кўмак бериб келган данғаралик Ҳусайн Ҳакимов раҳбарлик қилади.

Умуман олганда, Тожикистонда Имомали Раҳмоннинг таниш-билишлари ва хеш-акраболари ҳамма нарсага биринчи бўлиб эгалик қилишади. Туман миқёсидаги бойвачча Ҳусайн Ҳакимов макарон ва ичимлик суви ишлаб чиқарувчи цехларга эга. Маҳсулотни сотиш эса қийин эмас – Ҳакимов Хўжандда бир қатор дўконлар очган. Бундан ташқари, маҳсулотларини Мудофаа вазирлиги тасарруфидаги қисмларга ҳам етказиб беради. Баллани ҳам биринчи бўлиб Ҳакимов олади, бошқалар эса қолгани билан кифояланишади.

Тожикистонда ҳамма нарса шу тарзда тақсимланади. Ҳамма яхши нарсалар Жаноби Олийлари ва унинг кўпдан кўп "оила аъзоларига", ундан қолганигина халққа берилади. Фақат бир томони чатоқ – "оила"нинг иштаҳаси очилгандан-очилиб бормоқда, мамлакат иқтисодиёти эса Раҳмоннинг қариндошлари ва ҳамюртларининг "оқилона" бошқаруви туфайли қашшоқлашиб кетяпти. Захиралар ҳам тугаяпти, шу боис халқ ўз ризқ-насибасини четдан излашга мажбур бўляпти. Бегона юртларда яшаш машаққатли бўлса-да, яхшироқ ва ёруғроқ. Том маънода ёруғроқ, зеро, Тожикистоннинг кўпгина худудларида уйларга ёруғлик фақат осмон ёритгичларидангина кириб келади. Хоналардаги электр чироқлари эса камдан-кам ҳолларда ёнади – электр энергиясини тежашади.

Дарвоқе, Имомали Раҳмоннинг, вазирлар ва амалдорларнинг қароргоҳида, ёзги дала ҳовлиларида электр билан боғлиқ ҳеч қандай муаммо йўқ. Оддий тожикистонликлар эса, айниқса, қишлоқда яшайдиганлар электр ёруғини секин-аста унутиб юборишаяпти. Айтайлик, Сўғд вилоятидаги Исфара (Сурх, Чоркух, Лаккон), Конибодом (Қозағон, Шаҳид-Караянтқах ва Ҳамиржуй) туманларида электр энергияси бир кеча-кундузда фақат икки соатгина берилади. Сўғд вилоятидаги Пангаз, Ошаб, Ашт туманларида вазият бироз тузук. Бу ерда электр чироқлар эрталаб соат бешдан кеч соат йигирма иккигача ёнади. Кечаси эса ёруғликнинг ягона манбаи, қадимда бўлгани каби – ой ва юлдузлар, "бойроқ" одамларда – керосинка.

Жаноби Олийлари ўз халқига том маънода ҳам, кўчма маънода ҳам аср лойиҳаси – Роғун ГЭСи қурилиши битгандан кейингина порлоқ келажак бўлишини ваъда қиляпти. Лойиҳанинг келажаги эса мавҳум. Шунга қарамай, унинг атрофида мамлакат бўйлаб чинакам афсона яратилган – мана бизнинг миллий ғоямиз. Ёруғлик йўқ, бироқ ҳозирданоқ Роғун ГЭСи акциялари учун пул тўплашга киришилган. Бундан энг кўп азият чекаётганлар энг камбағал қатлам бўлган бюджет ташкилотлари ходимларидир.

Ашт туманида ташаббускор ҳукумат раиси Абдужамил Сатторов маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари раҳбарларини чақириб, уларни, 1000 сомоний қийматга эга чиройли қимматбаҳо қоғозларни сотишда янада фаолроқ бўлишга чақирди. Ҳар бир оила Роғун ГЭСи акциясига эга бўлиши керак – бу шиор совет давридаги давлат займ облигацияларини харидга чақирувчи шиорни эслатади. Фақат облигацияга ишлатилган пулларни қайтариш мумкин эди. Роғун ГЭСи акцияларидан фойда олишдан кўра такадан сут олиш осонроқ. Бунинг устига турмуш даражаси ҳам у пайтлар анча яхши эди. Облигация харидди оила бюджетига катта таъсир кўрсатмасди. Раҳмоннинг кўп йиллик ҳукмронлиги эса шунга олиб келдики, бугун Тожикистон минтақада ойлик маошнинг энг кам ва ўртача миқдори энг паст бўлган мамлакатга айланди (тегишли равишда 80 сомоний ва 100 сомонийдан бироз кўпроқ, расмий статистика бўйича). Роғун ГЭСи битта акциясининг баҳоси 218 АҚШ долларига тенг. Бу мамлакатдаги иккита ўртача ойлик билан баробар. Сўғд вилоятининг қишлоқ жойларида эса ишсизлик ҳукмрон, маош ҳам жуда кам тўланади. Шу боис Сатторов акция сотиб олганларга ижтимоий ёрдам кўрсатилади, деб одамларда умид уйғотди. "Бор пулингга чиройли қоғозлар сотиб ол, кейин биз сенга очдан ўлмаслигинг учун бюджетдан бироз ёрдам қилиб юборамиз" – мантиқ шунақа.

Роғун ГЭСи акциялари иккиламчи бозорга ҳам кириб келди. Яъни халқ ризқини иккинчи бор қайчилашаяпти. Акциялар билан боғлиқ бу ғояни илгари сурганлар, шубҳасиз, Раҳмон атрофидаги одамлар. Чунки, мамлакатда унинг ихтиёрисиз ҳеч иш қилинмайди – бир вақтлар машҳур бўлган Остап Бендердан илҳомланишган, шекилли. Бироқ бутун бир халқни қайта-қайта алдаш, ҳатто, ўша буюк комбинаторнинг ҳам тушига кирмаган. Нима ҳам дердик, Остап Ибрагимович давлат ҳокимиятини ўз қўлида ушлаб турмаганди.

Раҳмон Тожикистонда ҳам араб мамлакатларидаги воқеалар юз беришидан бекорга ҳадиксираётгани йўқ. Аммо у юртларда халқ қашшоқ эмас. Шайх ва қироллар нефтдан келган даромадни халқ билан бўлишади. Тожикистонда эса автократия ва Имомали Раҳмон шахсига сиғиниш давом этмоқда. Ўртача ойлик маош эса араб мамлакатларидаги 2000 доллар ўрнига 100 доллардан ошмайди ва бу катта ютуқ сифатида баҳоланади. Бу ҳам етмагандек, қоронғу тунлар, ёлғон ваъдалар – хуллас ҳавас қилгулик вазият эмас...

Қосимжон ҒАЙБУЛЛАЕВ.
www.centrasia.ru.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

BOLALIK BOG'I

KICHKINA USTOZ

Aziza shu yozda yetti yoshga to`ldi. Birinchi sentyabr kuni ertalab barvaqt uyg`ondi. Nonushta qilishgach, onasi uni maktabga olib bordi. Yo`lyo`lakay ustoz uchun bir dasta gul olishdi.

Bir-ikki kun maktabga onasi birga borib yurdi. Keyinroq o`qishga o`zi qatnay boshladi.

Azizaga alifbe, yozuv darslari juda yoqib qoldi. Uch-to`rt oyda so`zlarni bemalol yozishni o`rganib, alifbeni sharillatib o`qiy boshladi. Dastlabki vaqtlarda darslarini tayyorlayotganida doim onasi yonida bo`lar, yordam berardi. Bir kuni Aziza:

– Oyijon, endi darslarimni o`zim tayyorlayman, – dedi. – Siz tekshirib tursangiz bo`ldi.

– Mayli, qizim, – dedi onajonisi. – Faqat a'lo baho olib o`qisang bas.

Shu-shu Aziza darslarini mustaqil tayyorlaydigan bo`ldi. Bir kuni besh yoshli ukasi Anvarjon yoniga kelib:

– Menga ham o`qishni o`rgating, opajon? – deb iltimos qildi.

– Sen hali kichkinasan, – dedi Aziza keyin biroz o`ylab turdi-da, qo`shib qo`ydi. – Mayli, mana bu qog`ozga rasm chizaqol.

Aziza ukasiga qog`oz va qalam olib berdi, o`zi dars tayyorlashni davom ettirdi. Ukasi qog`ozga koptokcha rasmini chizdi. Keyin rangli qalamlar bilan bo`yab chiqdi.

– Rasm juda yaxshi chiqibdi, – dedi Aziza ham quvonib.

Ertasi kuni Aziza darslarini takrorlab, kitobini o`qiyotgan edi, Anvarjon yana yoniga kelib:

– Menga yozishni o`rgating, – dedi.

– Kelaqol, – dedi Aziza kitobni yoniga qo`yib. – Mana bu qog`ozni ol. Avval "A" harfini yozishni o`rganamiz.

U ukasining qo`lidan ushlab turib yozdira boshladi. Shunday qilib, Aziza har kuni ukasiga yozishni, o`qishni o`rgata boshladi. Anvarjon ham qunt bilan shug`ullanardi. Tezda qisqa harfli so`zlarni yozishni va o`qishni o`rganib oldi. Bir kuni u opasining alifbesini o`qib o`tirsa, o`rtog`i Farhodjon kelib qoldi. Ular qalin do`st. Doim birga o`ynashadi.

– Anvar, nima qilyapsan? – so`radi Farhod.

– Kitob o`qiyapman.

– O`qishni bilasanmi?

– Ha, opam o`rgatdila.

– Menga ham o`rgatadilarmi? Mening ham o`qigim, yozgim kelyapti.

– Ha, o`rgatadilar, – dedi Anvarjon. – Ertaga opam borlarida uyimizga chiq.

Ertasi kuni peshindan keyin Farhod qog`oz-qalam ko`tarib chiqdi. Aziza Farhodga ham yozishni, o`qishni o`rgatishga kirishdi. Qisqa fursatda u ham o`qish-yozishni o`rganib oldi. Yozgi ta'tilda esa qo`shni bolalardan Karima, Sohiba, Qodirjon ham ularga qo`shilishdi. Aziza hammalarini o`qita boshladi.

Bir kuni Karima xola ishdan barvaqt keldi. Qarasa, ayvonda bolalar dars tayyorlashayapti.

– O`qib-yozib o`tirishipti, – dedi Farhod onasiga peshvoz chiqib. – Ustozimiz Aziza opam topshirdila.

– Qanday yaxshi, – dedi Karima xola. – Siz o`qib-yozavering. Men choy damlab kelaman. Birga ovqatlanamiz.

– Ustozni ham chaqirib chiqa qolay? – dedi Farhod onasining bag`riga otilib.

– Chaqir, – dedi Karima xola. – Kichkina ustozni bir siylaylik.

Zulfiya SATTOROVA,
Zangiota tumanidagi
15-maktabning
8-sinf o`quvchisi.

ХЎРОЗ

(Ҳикоя)

Фарруҳ 14 ёшда. Болалигидан паррандаларни яхши кўради. Кўшни кампирдан ўрганиб, товуқ бокди. Жўжа очиришни ўрганди. Жўжаларга қараганда унинг кўзи қувнайди. Жўжалар жуда чиройли, ёқимтой, патлари бирам майин, оқ, сариқ, қора рангли. Уларга дон сепар экан, узоқ тикилиб қолади, қўлига олиб эркалайди. Қалби яйрайди. Она товуқ эса ҳар гал норози бўлиб, ҳужумга шайланади. Она-да, хавотир олади.

Эрта баҳорда товуқлари яна қурк бўлди. Бирин-кетин тухум бостирди. Сўнгисига тухум камлик қилди. Суриштирди, тополмади.

Кечқурун икки уй нарида турувчи Шавкат келди. У мактабни тугатганига анча бўлган. Ҳеч қаерда ишламайди. Жуда улфатлари кўп. Уйига нотаниш кишилар келиб туради.

– Сенга тухум керакмиш, – деди у менсимайроқ.

– Ҳа, – деди Фарруҳ ҳам хушламай, – иккита етмаяпти.

– Фақат иккитагинами, мен анча керак деб ўйлабман.

Фарруҳ индамади.

– Пап, – деди Шавкат. Фарруҳ индамай тургач, давом этди. – Э, нега писиб қолдинг? Менинг тухумларим қиммат, дакангники.

– Тушунмадим, – деди Фарруҳ.

– Нега тушунмайсан, оми-мисан. Иккита тухум бераман, битта жўжа меники бўлади.

– Керакмас, – деди Фарруҳ.

– Э, ўғил боламисан, ўзи. Гап тамом, ҳозир олиб келаман.

Шавкат дам ўтмай иккита тухум кўтариб келди:

– Куркинг қани?

– Тухуминг керакмас дедим-ку.

– Сен дакангни биласанми ўзи? Бўл, кўрсат товуғингни.

Фарруҳ довдираб қолди. Иложсиз курк товуғини кўрсатди. Шавкат товуқ тагига тухумларни қўйди.

– Қўл теккиза кўрма, – деди у Фарруҳга. – Дакангники, нозик. У сенинг жайдаринг эмас.

Ўн саккиз кун деганда жўжалар тухумни очиб чиқа бошлади. Эртасига биттагина даканг тухуми қолганди. Фарруҳ яна бир кун кутди. Кейин Шавкатга айтди. У тухумни авайлаб ушлаб кўрди.

– Палағда бўлибди, майли.

– Мана даканинг, – Фарруҳ қора жўжани кўрсатди.

– Хўроз экан, яшавор, Фарруҳ! – Шавкат ўзида йўқ хурсанд эди.

– Нима, рангидан билдингми хўроз эканлигини.

– Тушунмайсан галварс, туришини қара, туришини, уришқоқ бўлади, жангчи...

Шавкатнинг галварс деганидан Фарруҳнинг кўнгли оғриди. Лекин индамади. "Даканингни олиб кет" демоқчи бўлди-ю, журъати етмади.

– Энди яхшилаб қара. Ҳозир сечка олиб келаман, – Шавкат дарвоза томон юрди.

– Э, сечкангни кераги йўқ, – деди Фарруҳ Шавкат дарвозадан чиқиб кетганидан сўнг.

Хийла ўтмай Шавкат уч халтада дон-дун олиб келди. Фарруҳга уларни қачон, қандай бериш кераклигини тушунтирди.

Эртасигаёқ даканг бошқа жўжаларга зўрлик қила бошлади. Фарруҳ унга алоҳида катак қилди. Она товуқ уни изламади.

Шавкат тез-тез турли хил дон, қайнатилган тухум, кейинчалик эса пиширилган гўшт олиб келарди. Ўзи хўрознинг оғзига солиб едирарди.

Ёз охирлаётганда Шавкат келмай қўйди. Дакангнинг дони ҳам тугаганди. Фарруҳ уни излади. Эшитишича, хўроз уриштиришда каттагина пул ютқазиб қўйиб, қочиб юрганмиш. Уни излаганлар кўп экан. Яна беш-олти болада даканглари бўлиб, улар ҳам излашарди.

Фарруҳ дакангни ўзи парвариш қила бошлади. Хўроз қорачипор, кўкиш-қизғиш аралаш, тожи қизил, калта, йўқсимон. Оёқлари узун, бўйни чўзинчоқ. Гавдаси тик, бировга ташланмоқчидай ғоз туради.

Қиш ҳам келди. Фарруҳ хўрозга иссиқ жой тайёрлади. У хўрозга мехр қўйиб қолганди.

Мактабдан қайтган Фарруҳ ҳанг-манг бўлиб қолди. Катакда даканг хўроз йўқ эди.

Уч-тўрт киши қуршовида Шавкат келиб, хўрозни олиб кетганини ойисидан билди- да, дарғазаб бўлиб, Шавкатнинг уйига югурди.

– Нотаниш кишилар акамни олиб кетишди, дўқ уришди. Битта ҳам хўроз қолдиришмади, – деди Шавкатнинг укаси.

– Қаёққа кетишди?

– Ўйинга бўлса керак, хўроз уриштиришга.

Фарруҳ қўшни маҳалладаги чойхонада ҳар чоршанба хўроз уриштириш бўлишини эшитганди.

– Хўрозимни олиб келаман, у меники, – деди Фарруҳ.

Чойхона ҳовлисидаги чинорлар тагида тумонат одам. Қийқириқ, бақир-чақир авжида. Болакайлардан тортиб, оқ соқолли қарияларгача шу ерда.

Ўртада боши, бўйинлари қонга беланган иккита даканг хўроз бир-бирига ташланарди. Фарруҳ ўзининг хўрозини таниди. Хўрози ҳужумда, рақибини дам тепар, дам чўқирди. Рақиб хўроз кучсизланиб қолгани кўриниб турарди. Хўрози сакраб, рақибини кетма-кет тепди. У ҳолсизланиб йиқилди. Хўрози уни босиб олиб, бошини кўтаришга қўймай чўқирди. Қийқириқ кучайди.

– Ҳалол! – ўртакаш қўлини кўтарди.

Фарруҳ одамлар орасидан суриниб, ўртага чиққанида Шавкат хўрозини сийпалаб турарди. Ерда бир кўзи чўқиб ташланган, қизил қонга беланган рақиб хўроз ётарди. У чамаси жонсиз эди.

Фарруҳ сесканиб кетди. Қизил қонни кўриб кўнгли беҳузур бўлди. Ёнида эса ўртакаш бақирарди:

– Ютуқ 100 минг сўм.

Кучли қийқириқдан Фарруҳ ўзига келди. Кўзида эса ёш.

– Товуқмисан, нега йиғлайсан, – барзанги йигит уни силтаб чеккага тортди. – Қоч, менинг хўрозим жангга тушади.

Шавкат Фарруҳга хўрозни узатди.

– Бор, уйга обор...

Фарруҳ ҳамон гарангсиб турарди. Хўрозни олмади. Ҳаммани, дакангни ҳам ёмон кўриб кетганди. Йўлда ҳам, уйида ҳам ўзига кела олмади. Хўроз уриштириш майдонидаги ўша ҳолат кўз ўнгидан кетмади, бир кўзи чўқилган, боши, бўйинлари нимталанган, қонга беланган, жонсиз, қизғиш рангдор даканг хўроз. Қулоғи тагида эса барзанги йигитнинг бақириғи: "Товуқмисан, нега йиғлаяпсан, қоч!"

Кечга яқин бир йигит машинада хўрозни ташлаб кетди.

– Яхшилаб қарар экансан, – деди у. – Шавкат тайинлади. Яна ўйинга қўяркан. Ҳамма хўрозларини таваккал қилиб жангга солиб, чув тушди. Фақат шу хўроз ютди. Қойил, ютуқни келишаркан сен билан...

Фарруҳ хўрозга қарамади. Уни ютуқ ҳам қизиқтирмасди.

Эндигина кўзи илинган Фарруҳ қаттиқ бақир-чақирдан чўчиб уйғонди. Шовқин Шавкатнинг уйи томондан келарди.

Кўчага чиқди. Шавкатнинг уйи олдида иккита енгил машина турарди. Беихтиёр ўша томон юрди.

Тўрт йигит Шавкатни дўппосларди. У эса қаршилик қилмасди.

Онаси йиғлаб, уларга ёлворарди:

– Боламни урманглар, ўлдириб қўясизлар ахир. Раҳм қилинглар.

Улар Шавкатни судраб қизил "Жигули"нинг орқа ўриндиғига ўтқазишди.

– Эртага кечгача, бир кусок, эски қарзи билан топиб кўй. Ўғлингнинг ҳали чала ишлари бор. Биз билан кетади, – деди йигитлардан бири Шавкатнинг қалтираб, бўзлаб турган онасига.

Фарруҳ йигитни таниди. У Фарруҳни товуқмисан, деб ҳақоратлаган барзанги эди.

Улар кетишди. Қўшнилар онаизорни юпатишарди. Унинг боламлаб дод солиши тун қоронғулигини бузгудек эди.

Фарруҳнинг қалби ғазабга тўлди. Муштлари қисилди. У уйи томон югурди. Ошхонага кириб чикди-да, товуқхонадаги катакни очди. Даканг хўрозни қўлига олди. Жон-жаҳди билан хўрознинг бўйнини қайиштирди-да, пичоқ солди. Устига тиззаси аралаш иссиқ қон оқарди. У қондан сесканмади.

– Ўзларинг товуқсанлар, йўқ, товуқ эмас, калхатсанлар, калхат! – у ҳовлисида бор овозича бақирарди.

Лекин уни ҳеч ким эшитмасди.

Тун қоронғу эди.

Жамбул ҚУРБОНБЕКОВ.

КЕЛАЖАКНИНГ НУРЛИ АВЛОДИ

Ўзбекистон Давлат Консерваториясида "Янги авлод" болалар ижодиёт фестивали иштирокчиларининг концерти бўлиб ўтди. Унда танловнинг Республика босқичига йўлланма олган болажонларнинг иқтидори ҳакамлар ҳайъати томонидан синовдан ўтказилди.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Халқ таълими вазирлиги томонидан ташкил этилган анъанавий "Янги авлод" болалар ижодиёт фестивали жажжи ширинтойларнинг иқтидорини юзага чиқариш, истеъдодларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Айни пайтда мазкур фестиваль мусиқа ва санъат соҳасидаги таълимни янада яхшилаш, бу йўналишдаги мактаблар, мактабдан ташқари бадиий ижодиёт марказлари фаолиятини такомиллаштиришга йўналтирилган.

"Янги авлод" фестивалининг якуний босқичида иштирокчилар фортепьяно, торли, зарбли чолғулар, анъанавий ва академик ижро, эстрада, миллий рақс, спорт, замонавий балет, шеърият, адабиёт ва театр сценарийси номинациялари бўйича ўз иқтидорларини намойиш этишди.

Танловнинг якуний босқичи В. Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи, Республика рассомчилик коллежи, Ўзбекистон Давлат Консерваториясида ўтказилмоқда. Голибларни тақдирлаш маросими эса 19 декабрь куни пойтахтимиздаги "Истиқлол" саройида бўлиб ўтади.

Азима ҚИЁСОВА,
"Туркистон-пресс".

РАССОМ ХАНДАСИ

"Чиноз буюм бозори" масъулияти чекланган жамияти **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой давомида (8-370) 59-33-267 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Частная фирма "KATALIS" сообщает о своем преобразовании в ООО "KATALIS". Телефон для справок: 715-30-85.

"DURDONA-SAVDO" хусусий корхонаси шу ном билан масъулияти чекланган жамиятига айлантирилади ва унинг ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

"VAZIRA BONU" хусусий корхонаси "REGISTON KAPITAL" масъулияти чекланган жамиятига қўшиб олинади ва унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятларининг вориси ҳисобланади.

Учтепа тумани ТСРЎИ томонидан 15.12.2011 йилда рўйхатдан ўтган якка тартибдаги тадбиркор "Азамов Обид Анварович"га тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Аввалги А. Икромов, ҳозирги Учтепа тумани ҳокимиятидан 04.01.1995 йилда реестр. рақами 377 билан рўйхатдан ўтган "SAPARBEK" кичик корхонасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли хусусий корхонага ўзгаришини маълум қилади.

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SERGELI TUMANI KENGASHInинг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Дочернее предприятие "SHOXRUX FAYZLI SAVDO", расположенное по адресу: г. Ташкент, Учтепинский район, ул. Уйгура, 487-А, (ИНН 300452403, ОКПО 21886344) реорганизовано в форме преобразования в общество с ограниченной ответственностью "SHOXRUX FAYZLI SAVDO".

Утерянную круглую печать частного предпринимателя Бабабекова Улугбека Рихсибаевича Мирабадского района, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНОЙ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир
Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир
Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи
Ирода НОРБОЕВА
Саҳифаловчи
Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1242. Адади 6569. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. *"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.* Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40. 12345